



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DOMESTIC DESIRE" Aksiyadorlik jamiyati Xorijiy Korxon

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"DOMESTIC DESIRE" AJ XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.01.2018

561899

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305193746

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

To'shkent shahri, Shayxontoxur tumani, KICHIK XALQA YO'LI KO'CHASI, 2-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



“ТАСДИҚЛАНГАН”

**«DOMESTIC DESIRE»
aksiyadorlik jamiyati shaklidagi xorijiy
korxonasi aksiyadorning
2019 йил «20» декабр кунндаги қарори
асосида**



Акциядор

**«Commerce Standard PTE.LTD»
компанияси вакили Ro'ziqulov Sh.T.**

**«DOMESTIC DESIRE»
aksiyadorlik jamiyati shaklidagi xorijiy korxonasi
USTAVI**

(yangi tahrir)

ТОШКЕНТ ШАҲРИ – 2019 йил.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

«DOMESTIC DESIRE» aksiyadorlik jamiyati shaklidagi xorijiy korxonasi (кейинги матнда «Жамият» деб аталувчи) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсис қилинган ва фаолият олиб боради.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014 й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Тўлиқ:	
Ўзбек тилида	«DOMESTIC DESIRE» aksiyadorlik jamiyati shaklidagi xorijiy korxonasi
Рус тилида	Иностранное предприятие в форме Акционерного общества «DOMESTIC DESIRE»
Инглиз тилида	Foreign-owned enterprise in the form of a Joint-stock Company «DOMESTIC DESIRE»
Қисқача:	
Ўзбек тилида	«DOMESTIC DESIRE» АЖ ХК
Рус тилида	ИП АО «DOMESTIC DESIRE»
Инглиз тилида	FE JSC «DOMESTIC DESIRE»

1.4. ЖАМИЯТнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик Халқа Йўли кўчаси 2-уй.

1.5. ЖАМИЯТнинг электрон почта манзили: info@domestic.uz.

1.6. ЖАМИЯТнинг расмий веб-сайти: www.domestic.uz.

2 ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. ЖАМИЯТ тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

Жамиятнинг асосий фаолият доираси – Электр асбоблар ва халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш орқали аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади.

2.2. Ўз фаолият мақсадига эришиш учун Жамият қуйидагиларни амалга оширади:

2.2.1. Воситачилик хизматларини кўрсатиш;

2.2.2. Экспорт-импорт оператсияларини амалга ошириш;

2.2.3. Кенг турдаги халқ истеъмоли ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланиш;

2.2.4. Кенг кўламдаги консалтинг хизматларини кўрсатиш;

2.2.5. Улгуржи савдо ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш;

2.2.6. Энергияни иқтисод килувчи электр жиҳозлар, буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ва сотиш;

2.2.7. Нефт ва ёқилғи мойлаш маҳсулотлари чакана ва улгуржи сотиб олиш ва сотиш, қайта ишлаш;

2.2.8. Қурилиш ишларини бажариш, шу жумладан кўп қаватли биноларини куриш, курилиш ишларида бош пудратчи, субпудратчи сифатида иштирок этиб, курилиш ишларини бажариш;

2.2.9. Инвеститсия агенти, инвеститсия ва солиқ маслаҳатчиси каби хизматларни кўрсатиш;

2.2.10. Инновацион ва инвеститсия лойиҳаларида сармоядор сифатида иштирок этиш, кўчмас мулк ва бошқа мулк объектларини куриш, қайта куриш, тамирлаш, фаолият турини ўзгартириш, янги соҳаларни тадбиқ этиш лойиҳаларида қатнашиш.

2.2.11. Полиграфия ишлари, дорихоналар очиш, дори-дармонлар ишлаб чиқариш ва дорилар билан савдо қилиш, умумий овқатланиш: кафе, бар, ресторан, ошхоналар ташкил қилиш, курилиш, курилиш-таъмирлаш, курилиш-монтаж ишларини бажариш, кафеларни ташкил этиш, бинони, мулкни ва асосий воситаларни ижарага бериш хизматларини кўрсатиш;

2.2.12. Халқ истеъмоли моллари дўконларини очиш, савдо-даллолик фаолияти билан шуғулланиш, нон ва кандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сартарошлик хизматлари: маникюр, педикюр, сочни турмаклаш ва ҳоказолар, маиший, электр ускуна ва уй жиҳозларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш бўйича хизматлар қилиш, ишлаб чиқариш-техник мақсаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш, қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмларини ясаш, таъмирлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш, аҳолидан олинган ёки фирмалардан шартномалар асосида қабул қилинган қимматбаҳо металл ва инъомлардан заргарлик буюмларини ва бошқа маиший буюмларни сотиб олиш, чакана ва воситачилик савдосини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш мақсадида чет эл сармояларини жалб қилиш, халқ ижодияти, амалий, ва бадий санъат буюмлари, металллар чеканкаси, ёғочдан ясалган буюмлар, безаклар, эсдалик совғалари кабиларини ишлаб чиқариш;

2.2.13. Автомобилларга сервис хизматини кўрсатиш, енгил ва юк автомобилларини тамирлаш ва тиклаш, ҳамда автомобилларнинг агрегатлари, йиғмалари ва мосламаларини, эҳтиёт қисмларини сотиш ва ишлаб чиқариш, уларга сервис хизматини кўрсатиш, ёқилғи-мой ва бошқа нефт маҳсулотларини, ҳамда фреон келтириш, ишлаб чиқариш, ғамлаш, қайта ишлаш, қадоклаш ва сотиш, автомобил ёқилғи қуйиш шаҳобчаларини ташкил этиш, кенг миқёсда халқ истеъмол моллари, курилиш материаллари, лак-буёқларни, мебел, чини ва сопол буюмлари, тери-кун ва текстил галантереяси, парфюмерия маҳсулотлари, фарнитура, тугмача ва бошқа тақиш жиҳозлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан таъқиқланмаган ўзга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пуллик автомобиллар тўхташ жойлари (автостоянка)ни ташкил этиш, озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, салқин ва спиртли ичимликлар, шунингдек вино-ароқ маҳсулотлари билан савдо қилиш, тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тўқимачилик, трикотаж, колбаса, макаронлар, тикувчилик ва музқаймоқ цехларини ташкил қилиш, ҳамда уларни ишлатиш, маиший, электрон-ҳисоблаш, электр ускуна ва жиҳозларни таъмирлаш бўйича хизматлар қилиш,

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, спорт-соғломлаштириш машғулотларини, сексия ва комплексларни ташкил этиш;

2.2.14. Спорт инвентар ва спорт молларини савдо қилишни ташкил этиш, пуллик медитсина, стоматология ва косметология хизматларини кўрсатиш, фарматсевтик дори-дармон маҳсулотларини воситачилик-тижорат орқали савдо қилиш, ёрдамчи (иккиламчи) ва темирсозлама материаллар ишлаб чиқариш, ностандарт жиҳозларни ишлаб чиқариш, музлатиш ва савдо-технологик жиҳозларни таъмирлаш, йиғиш ишларини амалга ошириш, телевизион дастурлар, ҳамда аудио-видео маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, намойиш этиш, ижарага бериш, сотиш, ва ретранслятсия қилиш, фотохизматлар, аҳолига, фирма ва корхоналарга ҳар турдаги маиший хизматларни кўрсатиш (автосервис, суратхона, нусха кўчириш, автомобилларни ювиш, кимовий тозалаш шаҳобчаларини очиш ва бошқалар).

2.2.15. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа барча фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин.

2.3. Лицензия ёки махсус рухсат олишни талаб қиладиган фаолият турлари, ЖАМИЯТ томонидан тегишли лицензия ёки махсус рухсат олингандан кейин амалга оширилади.

3. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 32 400 000 000,00 (Утгиз икки миллиард тўрт юз миллион, 00) сўмни ташкил этади.

3.3. Жамият устав фонди ҳар бирини номинал қиймати 5000 (беш минг) сўм бўлган жами 6 480 000 (Олти миллион тўрт юз саксон минг) дона оддий акциялардан иборат.

Жамиятнинг барча акциялари оддий, эгасининг номи ёзилган ва ҳужжатсиз ҳисобланади. Акцияларнинг жойлашганлиги ва таксимоти тўғрисидаги маълумот акциядорлар реестрида кўрсатилади ва акциялар эгалари хақидаги маълумот ушбу реестр буйича узгариши мумкин.

3.4. Жамият амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар реестрини шакллантириш шартнома бўйича Ўзбекистон Республикасининг Марказий Депозитарийсига топширади.

3.5. Жамият ташкил этилганда, унинг устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

3.6. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.7. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.8. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 5000 сўм бўлган 10 000 000 (Ун миллион) дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги

қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усули билан белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.8. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланиладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

3.10. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

3.11. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.12. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

3.13. Жамиятнинг устав капитали кўпайтириладиганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

3.14. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталдаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

3.15. Жамият устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин. Жамият устав фондидан акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли

билан камайтиришга ҳақли.

3.16. Жамият устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият устав фондининг Жамият Уставидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

3.17. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.18. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

4. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг 50 фоизи миқдорида дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.3. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоли амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.7. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.9. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигатсияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

6. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Жамият бошқарув органилари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Директор).

7. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

- жамият томонидан корпоратив облигатсиялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигатсияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имғиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имғиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

7.5. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чакирилади ва ўтказилади.

8. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

8.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 3 кишидан иборат.

8.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг қун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. ЖАМИЯТ Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият Директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

8.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жама аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

8.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

8.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

8.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

8.9. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият

Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

8.10. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

9. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги Ижроия органи - Директор томонидан амалга оширилади.

9.2. Директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

9.3. Директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

9.4. Директор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади (тайинланади). Директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

9.5. Директорга тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

9.6. Директорнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.7. Директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

9.8. Директорнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

9.9. Директорнинг ҳуқуқлари:

9.10. Директорнинг мажбуриятлари:

9.11. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

9.12. Директор қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

9.13. Директор мазкур устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

10. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

10.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари :

10.3. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

10.4. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

10.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айти бир шахс айти бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма -кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

10.6. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

11.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

11.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

«COMMERCE STANDARD PTE.LTD» компанияси

Почта манзили: (176 Joo Chiat road, #02-02, Singapore 427447), Сингапур давлати қонун ҳужжатларига кура юридик шахс ҳисобланувчи, 201214412G раками билан 2012 йил 11 июн кунида рўйхатга олинган. Корхона номидан вакил – RO'ZIQULOV SHOHRUH TOHIROVICH (Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 15 мавзе, 53 уй, 4 хонадонда истикомат қиладиган, 1985 йил 4 ноябрда тугилган, 24.06.2013 йилда Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ИИБ томонидан АА 1947185 ракамли паспорт берилган) компания томонидан 23.01.2019 й. кунида берилган ишончномага асосан ҳаракат қилувчи.

